

---

## Данғара тумани ҳокими 1-сектор рахбарининг Боғиш маҳалласида сайёр қабули ўтказилди.

Данғара тумани ҳокими 1-сектор рахбари ҳамда Данғара тумани халқ қабулхонаси мудир иштирокида Боғиш МФЙда аҳолини ўйлантираётган муаммолари юзасидан сайёр қабули ўтказилди.

Сайёр қабул давомида фуқароларнинг ичимлик суви, электр таъминоти каби масалалар шунингдек, соғликларини тиклаш учун моддий ёрдам ажратилиши бўйича мурожаатлари тингланди.

Барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олинди, ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди. Муддат талаб этилувчи мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

---

2023-12-11 16:15:55